БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ИЙЛ ЧИҚИШИ

№ 133 (1653)

6 ИЮЛЬ ЧОРШАНБА 1960 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## ТАСС АХБОРОТИ

Совет Иттифоқида геофизик ракеталар ёрдами билан атмосферанинг юқори қатламларини ва космик фазони тадқиқ қилиш давом этмоқда.

Тадқиқотлар программасига мувофиқ, 1960 йил июнь ойида навбатдаги бир босқичлик баллистик ракета учирилди. Куч манбалари ва учирилган жониворлар (икки ит ва бир қуён) билан қўшиб ҳисоблаганда, умумий вазни 2.100 килограмм бўлган илмий тадқиқот аппаратлари атмосферанинг юқори қатламларига кўтарилди.

Атмосферанинг юқори қатламларида ионлаштирилган булутлар ҳосил қилмоқ ва уларни тадқиқ этмоқ, ракетанинг юзасидаги электр соҳасининг кучланишини ўлчамоқ, ионосферанинг структурасини ўрганмоқ, кенг территориядаги булутлар системасини фото билан суратга олмоқ, Ернинг инфрақизил нурини ва Ер атмосферасини, Қуёшнинг ультрафиалша нурини тадқиқ қилмоқ учун керакли асбоблар, шунингдек атмосферанинг таркибини ҳамда катта баландликлардаги атмосферанинг метеорологик параметрларини тадқиқ қилмоқ учун керакли асбоблар ракетага ўрнатилган эди.

Ракетани учириш муваффақиятли ўтди. Ракета белгиланган 208 километр баландликка кўтарилди.

Ракетага ўрнатилган илмий аппаратлар нормал ишлаб турди. Тадқиқотлар программаси тўла равишда бажарилди. Катта баландликларда ҳосил қилинаётган ионлаштирилган булутларни, атмосферанинг ион таркибини ва унинг электрик хусусиятларини, Ер ва Қуёшнинг нурларини кузатишга доир қимматли илмий маълумотлар, шунингдек жониворлар ўз оғирлигини йўқотган шароитда уларнинг томир уриши тўғрисида янги материаллар қўлга киритилди.

Бу жониворлар Ерга тушганидан кейин ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. «Отважная» номли ит бу билан космик фазога бешинчи марта саёҳат қилди.

Олимлар ва кузатишларнинг материаллари ҳозирги вақтда анализ қилинмоқда.

## СУВЧИ

Пахтазор оқшоми. Соғлом ривожланаётган ғўзалар ой ёғдусида денгиз каби чайқалиб, кишининг баҳри-дилини очади. Ҳўв нариги пайкалда кетмон дастасига суянган ҳолда узоқ-узоқларга сергаклик билан назар ташлаб бир киши турибди. Унинг ёнида — ўқариқ ёқасига қўйилган тошфонарнинг ёруғи ой ёғдуси билан қўшилиб, жўякларда жилдираб оқаётган сув устида кумуш нур бўлиб ўйнамоқда. Ҳа, постида серган турган бу киши — сувчи. Ҳар туп ғўзанинг томирига қон юргизаётган табиб! У туни билан мижжа қоқмайди. Ўз орқасидан сув эргаштириб жўякма-жўяк кезади. Ғўза чанқаб қолмасин, шонасини тўкиб юбормасин, ҳосил камайиб эл хирмонига путур етмасин, дейди.

Шу кеча-кундузда кўкда қуёш чарақлаб ҳаммаёққа олов селини пуркаётган. Ердан ва кўкдан ёғилаётган иссиқ ҳарорат ҳар туп ғўзанинг жонини киритиб, танасини яйратиб унинг бўйига-бўй қўшмоқда, шонасига-шона, гулига-гул қўшмоқда. Кўп йиллик бой тажрибага эга бўлган, ишнинг кўзини билган асл деҳқон мана шу кеча-кундузнинг қадрига етади. Ҳар туп ғўзасини ўз фарзандидек ардоқлаб парвариш қилади, қатор оралари кўнгилдагидек юмшатилган, тўйдириб озиқлантирилган эгатларга тун бўйи, кун бўйи сув тарайди.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг миришкор сувчилари ҳудди ана шундай қилмоқдалар. Чигит экиш даврида бир неча кун этик ечмаган азамат кишилар эндиликда бир неча кун этик кийиб пайкал ораламоқдалар!

Бу колхозда ўз касбини пухта эгаллаган ва шу касбни жондили билан севган, жавобгарликни ўз калбларида чуқур ҳис қилган 155 киши сувчиликка тайинланди. Улар группаларга ажратилиб, ҳар бир группага мутахассислардан бошлиқ қилиб тайинланди. Участка ҳосилот советларининг раислари, агроном сувчиларнинг ёнида ҳамиша кўзу-қоп бўлиб турибди. Колхоз правленнеси ва бошланғич партия ташкилоти сувчиларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб берган. Ҳа, бундан буён ҳосилнинг тақдири шу сувчилар қўлида, ғўзани тузатадиган ҳам, бузадиган ҳам сув ва сувчи. Колхознинг Талаббой Сиддиқов, Исмоил Нишонов сингари миришкорлари ғўзамизни саратон сувига қондирамиз, унинг ҳар тупида зиммага олинган мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш ва бу ҳосилни тўла сақлаб колиш йўлида тинмай курашберамиз, деган олижаноб туйғу билан меҳнат қилмоқдалар. Бу чинакам ориятли, иродаси мустаҳкам, ваъдасига вафодор деҳқонининг юрак сўзларидир.

Оққўрғон районидаги Ворошилов номли, Чиноз районидаги Киров номли, Оржоникидзе районидаги Хрушчев номли, Сирдарё районидаги Ленин номли қатор хўжаликларнинг азамат сувчилари ҳақида ҳам ҳудди ана шундай илиқ, самимий гапларни айтиш мумкин. Кечани кундузга улаб, киприк қоқмайин ғўзаларини яшнатаётган ўша азамат деҳқонларни ҳар қанча мақтасанг ҳам арзийди!

Қани энди, суғоришга эътиборсизлик билан қараётган областимиздаги бир қатор хўжаликларнинг раҳбарлари ҳам сув ғўзанинг қон томири эканлигига тушунганлари ҳолда илғорлар тажрибасидан ўрнак олсалар, қани энди, улар ҳам шу долзарб кунларнинг қадрига етиб, бирон туп ҳам ғўзани чанқатиб қўймаслик учун чинакамига қайғурсалар! Ахир, суғоришни тўғри ташкил этган ва бу соҳага етарли куч ажратган, колхоз ва совхозларнинг намунали ишларидан Гулистон, Бекобод, Сирдарё, Бўка районларининг колхоз ва совхозлари раҳбарлари ўрнак олсалар бўлмайдими?

Бу районларда бир неча минг гектарлаб ердаги ғўза чанқаб, сув талаб бўлиб турибди. Имконият бор, куч етарли, сув сероб! Ҳамма гап шундаки, ана шу районларнинг колхоз ва совхозлари раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари бор имкониятлардан тўла фойдаланмаяптилар. Суғоришга тажрибали кишилар ажратилмаганлиги, талабчанлигининг йўқлиги, ғўзани кечаю-кундуз суғориш ташкил этилмаганлиги мана шуларнинг ҳаммаси кечириб бўлмайдиган бир ҳолдир.

Эндиликда ғўза парваришида ҳал қилувчи июль ойи бошланди. ҳарорат янада кучаяди, ғўза кечагига қараганда бугун кўпроқ сув талаб қилади. Балиқ сув билан тирик бўлганидек, ғўза ҳам сув билан яшнайди. Суғоришда камчиликларга йўл қўйиб келаётган хўжаликларнинг раҳбарлари ана шуни ҳисобга олганлари ҳолда ўз ишларини бутунлай қайтадан ташкил қилишлари керак.

Ҳа, ҳосилимиз мўл, юзимиз ёруғ бўлсин, эл хирмони бойсин, омборимиз донга тўлсин, деган деҳқон ҳудди ана шундай қилади!

Район партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари колхоз ва совхозларда ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини юқори агротехника муддатларида қондириб суғориш ишини тўғри ташкил этилишини таъминлашлари лозим. Ҳар бир колхозда, ҳар бир совхозда кўп йиллик тажрибага эга бўлган сувчилар етарли бўлсин, суғоришни икки сменада кечасию-кундузи бетиним олиб борайлик. Сувчи ғўза парваришида асосий фигура бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари олов сели ёғилиб турган шу ҳароратли кунларда катта ҳиммат билан астойдил бел боғлаб ишлаётган, ҳар туп ғўзанинг қониб сув ичишини таъминлаётган миришкорларга ҳар тарафлама қулай иш шароити яратиб беришлари зарур!

Азамат сувчилар! Гайрат қилингиз, ҳар туп ғўзада мўлжалдаги ҳосил тўпланишига эришиш учун қурашингиз. шу йўл билан КПСС Марказий Комитетининг яқинлашиб келаётган Пленумини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олайлик!

## „ҚОЗОҒИСТОН МАГНИТКАСИ"-НИНГ БИРИНЧИ ДОМНАСИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Казметаллургстрой» трестининг, Қараганда металлургия заводининг, Қозоғистон ССР Қурилиш министрлиги ва РСФСР Қурилиш министрлигига қарашли монтаж ташкилотларининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларини меҳнат соҳасида эришилган ажойиб ғалаба — биринчи домна печи 2 июлда қурилиб битказилганлиги ва ишга туширилганлиги — Қараганда металлургия заводи ишга тушганлиги муносабати билан табрикладилар.

Қозоғистоннинг қурувчи ва монтажчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчевга ёзган мактубларида заводни қуриш, заводдаги металл конструкцияларни ва техника ускуналарини монтаж қилиш, темир йўлларни, автомобиль йўлларини, шаҳарда уй-жойлар ва маданий-маиший корхоналар қуриш соҳасида гоят катта ишлар қилинганлиги ҳақида хабар берадилар.

Қурувчи, монтажчи ва металлурглар коллективлари бу йил яна бир домна печини, коксокимё комплексини ишга туширишга, қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари бажариш вазифаси ўз олдиларида турганлигини ёзадилар. Улар етти йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун бутун кучларини сарф қилишга ваъда берадилар. (ТАСС).

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ҳиндистонда Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тарзида қурилаётган Бхилаи металлургия заводини қуриш юзасидан ҳукумат топшириғини муваффақиятли бажарганликлари учун СССР Олий Совети президиуми Бхилаи металлургия заводи қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган совет мутахассисларидан 257 кишини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Ленин ордени билан 12 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 38 киши, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан 53 киши ва «Шавкатли меҳнат учун» медали билан 154 киши мукофотланди.

## Н. С. ХРУШЧЕВнинг Австрияда бўлиши

Вена. Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари мамлакатдаги энг йирик автомобиль заводини бориб кўрдилар. «Австро-Фиат» номи билан машҳур бўлган бу завод флориндсдорф ишчи районида жойлашган. Суратда: Н. С. Хрушчев завод ишчи ва хизматчиларининг табригига жавоб қайтармоқда.

ТАСС махсус фотомухбири **В. Кошевой** фотоси. (Сурат фототелеграф орқали олинган).

ЛИНЦ, 4 июль. (ТАСС). Кеча кечқурун Н. С. Хрушчев канцлер Ю. Рааб ҳамроҳлигида Австриянинг йирик саноат маркази Линц шаҳрига келди.

Шаҳарнинг мингларча аҳолиси ҳурматли совет меҳмонини кутиб олиш учун кўчаларга чиқди. Н. С. Хрушчев тушган автобус ўтган бутун йўл бўйлаб улар зич жонли коридор ҳосил қилдилар. Ҳамма жойда: «Хрушчев, тинчлик, дўстлик» деган хитоблар эшитилиб турди.

Ҳурматли совет меҳмони Линцга келганидан кейин бир оз вақт ўтгач, Юқори Австрия вилоят ҳукуматининг бошлиги доктор Г. Глейснер ва Линц бургомистри профессор Э. Кореф СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев шарафига зиёфат бердилар.

Зиёфатда совет томонидан Н. А. Косигин, Е. А. Фурцева, А. А. Громико ва Н. С. Хрушчевнинг бошқа ҳамроҳлари ҳозир бўлдилар.

Австрия томонидан Федерал канцлер Ю. Рааб, Юқори Австрия ҳукуматининг аъзолари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфат вақтида Юқори Австрия ҳукуматининг бошлиги Г. Глейснер Н. С. Хрушчевга қисқа нутқ билан мурожаат қилди. У, Н. С. Хрушчевни самимий табриклади. Сиз, деди Г. Глейснер, биздан яхши таассурот олиб кетсангиз биз хурсанд бўламиз. Г. Глейснер Н. С. Хрушчев, унинг рафиқаси ва Совет ҳукумати бошлиги ҳамроҳларининг соғлиги учун қадаҳ кўтарди.

Сўнгра Линц бургомистри Э. Кореф нутқ сўзлади. Хуш келибсиз, деди у, Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб. Биз ишонамизки, бизнинг юртимизда бўлган қисқа вақт ичида сиз ўзингизни яхши ҳис қиласиз ва бу ердан яхши таассуротлар билан кетасиз.

Тўпланганлар томонидан қизғин кутиб олинган Совет ҳукуматининг бошлиги Н. С. Хрушчев жавоб нутқи сўзлади.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

ЛИНЦ, 4 июль. (ТАСС). Бугун эрталаб соат 8 дан 15 минут ўтганда Никита Сергеевич Хрушчев ва СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико Линц шаҳри аҳолиси учун кутилмаган ҳолда ҳурматли совет меҳмонлари турган «Парк-отель» меҳмонхонасидан чиқиб шаҳар бўйлаб сайр қилдилар. Бу сайр расмий программада кўзда тутилмаган эди. Совет ҳукуматининг бошлиги шу атрофдаги кўчалардан юриб ўтди. Кўчаларда уни шаҳар аҳолиси самимий кутиб олди. Улар бараварига: «Фройндшафт, Никита!», «Дўстлик, Никита Хрушчев» деб хитоб қилдилар.

Н. С. Хрушчев кўчада турган бир группа аҳоли билан гаплашди, сўнгра кондитер магазинига кирди. Бу ерда у қўлида чақалоқ кўтариб турган ёш аёлнинг ёнига келди. У боланинг номи нималигини, неча ёшда эканлигини сўради. Кондитер магазинининг хўжайини Никита Сергеевич Хрушчевга, совга тариқасида катта «Линц торти»ни тақдим қилди.

Сўнгра Н. С. Хрушчев шу қатордаги автомобиль сотиладиган магазинга борди. Автомобилларнинг техника характеристикаси ва нархи билан қизиқди. Автомобиль сотиш магазинининг хўжайини инженер Г. Гюнтер Н. С. Хрушчевдан таассуротлар дафтарига имзо чекишини сўради.

Шундан кейин ҳурматли совет меҳмони тўқимачилик товарлари магазинига кирди. У ўзига газламаларни кўрсатишни сўради, газламаларнинг сифати ва баҳосини сўраб билди, синтетик газламалар бор-йўқлиги билан қизиқди. Никита Сергеевич Хрушчев кирган магазин ёнида кўпгина аҳоли тўпланиб қолди. Улар совет ҳукумати бошлиғини шодиёна табриклашдилар.

Эрталаб соат 10 да Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Австриядаги энг катта металлургия корхоналаридан бири — «Фест» комбинатига бордилар. Корхона дарвозаси ёнида совет ҳукумати бошлиғини комбинатнинг бош директори инженер Хитцингер кутиб олди. У ана шу комбинатнинг 18 минг ишчи ва хизматчиси номидан бу ерга келган ҳурматли совет меҳмонини самимий табриклади.

* * *

ВЕНА, 4 июль. ТАСС мухбирлари В. Шумский, Л. Степанов хабар берадилар: Н. С. Хрушчев Австрия вилоятлари бўйлаб қилаётган сафарини давом эттирмоқда. Н. С. Хрушчев ва бошқа совет меҳмонлари кунниг иккинчи ярмида Вельс шаҳрига келишди. Вельс Австриянинг энг катта қишлоқ хўжалик маркази ҳисобланади ва Австриядаги қишлоқ хўжалик ярмаркаларининг ҳаммаси ҳар йил шу шаҳарда ўтказилади. Бу шаҳар уй хайвонларини сунъий қочириш проблемаси устида ишлаётган ўз институти билан машҳур.

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар шаҳарга етиб келмасданоқ, унинг аҳолиси кўчаларга чиққан эди. Федерал канцлер Ю. Рааб ҳамроҳлигида келган Н. С. Хрушчевни Австрия қишлоқ хўжалик министри Э. Хартман кутиб олди. Меҳмонлар чорвачилик институти билан қисқа вақт танишганларидан кейин институт ҳовлисига чиқдилар. Бу ерда уларга ғалати совга тайёрлаб қўйилган эди. Н. С. Хрушчевга иккита зотли буқача совга қилишди. Министр Хартман бу хусусда қисқа нутқ сўзлаб, кейинги йилларда шу зотдан бўлган сигир ва буқалар Австриядан Совет Иттифоқига кўплаб юборилиб турилганлигини эслатиб ўтди. У, бу совга Австриянинг Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини кўрсатувчи белги деб қабул қилинади, деган умиддамиз, деди.

Никита Сергеевич Хрушчев совга учун ташаккур айтди.

Автобуслар йўлни давом эттириб, хушманзара кўм-кўк қишлоқлар ёнидан, Шарқий Альп этаклари ўртасидаги водийлардан ўтиб бора берди. Юқори Австрияни Зальцбург вилоятидан ажратиб турган чегарага етишга оз фурсат қолганида, автобуслар Бад-Ишль деган курорт шаҳарчасида қисқа дам олиш учун тўхтади. Бу шаҳарчада маҳаллий шўр булоқлардан яхши фойдаланаётган шифохоналар кўп. Бад-Ишлда Н. С. Хрушчевни бургомистр Мольэггер ва жамоатчиликнинг вакиллари кутиб олишди. Дастурхон ёзиб қўйилган Кур-Отелда оркестр меҳмонлар учун Австрия композиторларининг бир қанча асарларини чалиб берди.

Автобуслар колоннаси яна йўлга чиқди. Бу сафар йўл хушманзара кўллар ёнидан ўтиб бормоқда. Кўм-кўк бўлиб турган ёки қояли тоғлар орасидаги бу илиқ тоғ кўллари бўйида чет мамлакатлардан келиб дам олувчи саёҳатчилар кўп.

Кечга яқин Н. С. Хрушчев ва унинг ҳамроҳлари Зальцбург атрофидаги овчилар қасрига — Фушлга етиб келдилар. Улар бу ерда бир оз дам олиб, сўнгра, Зальцбургга жўнаб кетдилар.

## Ҳиндистон Республикаси Президенти Ражендра Прасад шарафига зиёфат

4 июлда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. С. Насритдинова Ҳиндистон Республикаси Президенти Ражендра Прасад шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Ҳиндистон темир йўл транспорти министри Жагживан Рам, Ҳиндистоннинг СССРдаги Элчиси К. П. Ш. Менон, Президент секретари А. В. Пай, ташқи ишлар бўйича секретарь С. Датт, Президентнинг ҳарбий секретари генерал-майор Сардор Харнарайн Сингх ва ҳиндистонлик бошқа расмий шахслар Р. Прасад билан бирга бўлдилар, шунингдек Р. Прасадга СССР бўйлаб қилинган сафарда ҳамроҳ бўлиб юрган ҳинд журналистлари ҳам ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда совет томонидан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Ш. Р. Рашидов ва Ш. М. Арушанян, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси О. А. Алимов, СССР Олий Советининг депутатлари Ф. Е. Титов, И. И. Федюнинский, Қ. М. Муртазоев, С. Н. Нуриддинов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси Р. Ғ. Ғуломов, Россия Федерацияси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва РСФСР Ташқи ишлар министри М. Д. Яковлев, СССРнинг Ҳиндистондаги Элчиси И. А. Бенедиктов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Комитет раиси Г. Ф. Наймушин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари И. В. Бабков, Ўзбекистон ССР Олий Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Ғ. С. Султонов, СССР Ташқи ишлар министрлиги Шарқи-Жанубий Осиё Бўлими мудирининг ўринбосари Ф. П. Доля, республика министрлари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари бор эди.

Самимий ва дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида Е. С. Насритдинова ва Р. Прасад нутқ сўзладилар.

Биз Сизни, жаноб Президент, деди Е. С. Насритдинова, Ҳиндистонинг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшган атоқли жамоат ва давлат арбоби деб табрикламоқламиз.

Сиз азиз меҳмонлар, масофаси узоқ бўлса ҳам, лекин дилимизга яқин дўст мамлакатдан келгансиз. Биз, совет кишилари, бу мамлакатнинг муваффақиятларига ҳинд халқи билан бирга қувонмоқдамиз.

Халқимиз улуғ ҳинд халқига энг яхши ва самимий хайрихоҳлик ва дўстлик ҳислари билан қараётганлигини сиз Совет Иттифоқи бўйлаб, жумладан, Совет Ўзбекистони бўйлаб ҳам қилган сафарингизда яқкол кўрдингиз, бунга қаноат ҳосил қилиб олдингиз. Сиз Совет ҳукумати ва халқи тинчликка ва тараққиётга, халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга муттасил интилаётганлигига қаноат ҳосил қилиб олдингиз. Совет халқи билан ҳинд халқи ўртасидаги муносабатлар тобора дўстона ва самимий муносабатлар бўлиб қолмоқда. Бу ишда Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон давлат арбобларининг бир-бирларига визит қилиб борганликлари жуда муҳим роль ўйнади. Бош Министр Жавоҳарлал Неру бизнинг мамлакатимизда меҳмон бўлиб кетди. Ҳинд халқи Никита Сергеевич Хрушчевни икки марта кабул қилди. К. Е. Ворошилов, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, Е. А. Фурцева ўртоқлар Сизнинг мамлакатингизга яхши ният визити билан бориб келдилар. Шу визитларнинг ҳар қайсиси мамлакатлар ўртасидаги дўстликнй мустаҳкамлай берди, ҳамкорликни кенгайтиришга олиб келди!

Сизнинг Совет Иттифоқига, шу жумладан, бизнинг Ўзбекистон республикамизга ҳам келганлигингизга хурсандмиз. Сизнинг бу сафарингиз тинчлик ишига, совет халқлари билан Ҳиндистон Республикаси халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга янги катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Президент Ражендра Прасад ўзининг жавоб нутқида бу ерда самимият, дўстлик билан кутиб олинганлиги ва ўзига нисбатан кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорчилиқ билдирди.

Кейинги икки ҳафта ичида, деди сўнгра у, мен Совет Иттифоқининг кўп жойларида бўлдим. Борган жойларимнинг ҳаммасида мамлакатингизнинг халқи ва раҳбарлари мени зўр самимият билан кутиб олдилар. Менда кўп таассуротлар вужудга келди. Ҳиндистонга қайтиб боргач, бу таассуротларни ўйлаб кўришим керак бўлади. Бироқ, Совет Иттифоқи қисқа муддат ичида — қирқ йилдан сал кўпроқ вақт ичидагина эришган тараққиётнинг улуғворлиги менда энг катта таассурот қолдирди. Агар Ўрта Осиё республикаларининг бундан қирқ йил олдинги аҳволи ҳисобга олинадиган бўлса, бу тараққиёт мазкур республикаларда тағин ҳам диққатга сазовордир.

Кеча мен гўзал замонавий шаҳар бўлган Сталинободдан учиб келдим. Менга айтишларига қараганда, бу шаҳар революцияга қадар биттагина кўча чироғи ёниб турган кичкинагина қишлоқ бўлган экан. Тошкент билан Самарқанд ҳам таниб бўлмаслик даражада ўзгариб кетган. Ўрта Осиё республикалари кейинги қирқ йил ичида ўрта асрлик ҳолатидан чиқиб, тараққиётнинг ҳозирги даврига қадам қўйдилар, деб айтилса, муболаға бўлмайди.

Ўрта Осиё совет республикаларида рўй берган бу ўзгаришлар ҳали кам тараққий этган мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эга. Бизнинг ҳукуматимиз қашшоқлик, саводсизлик, нодонлик ва касалликлар сингари ҳодисалар ўз-ўзидан, секин ва аста тараққиёт йўли билан йўқ бўлиб кета бошлайди, деб кутиб ўтириш мумкин эмаслигини тушунади. Бундай ҳолларни йўқотмоқ учун кескин равишда аралашмоқ керак. Шу муносабат билан мен ўз экономикамизни ривожлантирмоқ учун Совет ҳукуматидан катта ёрдам олаётганлигимизни жуда хурсанд бўлиб эсга тушираман. Ҳиндистон металлургия, нефть, машинасозлик ва фармацевтика сингари кўпгина ҳаётий муҳим тармоқларда совет мутахассисларидан ёрдам ва фойдали маслаҳатлар олиб турибди. Совет ва ҳинд техника ходимлари яқиндан ҳамкорлик қилиб бирга-ликда ишламоқдалар. Ҳиндистоннинг келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган навбатдаги беш йиллик планимизни бажариш вақтида бундай ҳамкорликнинг ҳажми ва миқёси тағин ҳам кўпроқ ортади. Совет ҳукумати бу ишда бизга лозим бўлган ёрдамни кўрсатишига сира шубҳаланмайман.

Менинг учун ҳамиша жозибали шаҳар бўлиб келган Самарқанд шаҳрини кеча мамнуният билан бориб кўрдим. Бутун Совет Иттифоқида бўлгани каби бу шаҳарда ҳам қадимий ёдгорликларни тиклаш ва харобаларни қазиш ҳамда маданий меросингизни сақлаш соҳасида нақадар зўр эътибор бериб иш олиб борилаётганлигини кўрдим.

Қадим замонлардан бери Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасида ҳар хил алоқалар бўлиб келган. Ҳиндистонда буддизм тарқалганидан кейин, ҳинд идеялари ва маданияти бу жойларга ҳам етиб келганлигини кўрсатувчи кўпгина далиллар бор. Яқинда ўтказилган қазишлар натижасида Буддга ибодатхонаси ва унда Будданинг ҳайкали топилганлигини эшитиб, мен айниқса қизиқдим. Самарқандга яқин жойлашган Фарғонадан Бобир Ҳиндистонга келганидан кейин бошқа хил алоқалар боғланди. Афсуски, кейинги уч аср ичида муносабатларимиз узилиб қолди, шунинг учун ҳам бизлар бир-биримизга ёт бўлиб қолдик.

Эндиликда бизнинг Ўзбекистон билан ва бутун Совет Иттифоқи билан муносабатларимиз янги паллага кирди. Сизларнинг ва бизнинг раҳбарларимиз, артистларимиз, ёзувчиларимиз ва бошқа арбобларимиз бир-бирларининг мамлакатларига бориб келдилар. Мана шуларнинг ҳаммаси бир-биримизга бўлган ҳурматни кучайтирди, шунингдек тинчликка бўлган умумий интилишимизни мустаҳкамлади. Мен Совет Иттифоқида бўлган жойларнинг ҳаммасида совет халқи урушга нақадар ғазаб билан қараётганлигини, тинчликни нақадар истаётганлигини кўрдим. Сизларнинг ҳукуматингиз ва айниқса биз Ҳиндистонда икки марта табриклашга мушарраф бўлган жаноб Хрушчев совет халқининг тинчликка бўлган интилишларини ифодалаб, бу интилишларни нақадар изчиллик билан амалга ошираётганликларини ҳам кўрдим.

Бизнинг Бош министримиз Жавоҳарлал Неру каби жаноб Хрушчев ҳам тинчлик учун ғ ормай курашмоқда. Уларнинг сарфлаётган куч ва ғайратлари бутун дунёдаги тинчлик тарафдорларининг ҳаммаси сарфлаётган куч ва ғайратлар эртами, кечми, барибир, ахир бир кун муваффакият қозонади, деган умиддамиз.

Жаноб олийлари, азиз дўстлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг соғлиги учун, совет халқининг янада тараққий этиши ва равнақи учун, Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги абадий дўстлик учун, бутун дунёда тинчлик бўлиши учун кўтарган қадаҳимга қўшилишингизни сиздардан илтимос қилишга ижозат бергайсиз.

Зиёфат қатнашчилари учун Ўзбекистон санъат усталари томонидан концерт берилди.

Р. Прасадга ва унинг ҳамроҳларига эсдалик совғалари тақдим қилинди. (ЎзТАГ).

# СССРДА КАТТА ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШИЛГАН

## ҲИНДИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ Р. ПРАСАДНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад 5 июль эрталаб Деҳлига жўнаб кетишидан бир неча соат илгари Тошкентда матбуот конференцияси ўтказди. Матбуот конференциясида совет марказий ва маҳаллий матбуотининг мухбирлари, шунингдек Р. Прасаднинг СССР бўйлаб саёҳатида ҳамроҳ бўлиб юрган ҳинд журналистлари қатнашдилар.

Ҳиндистон Президенти Ражендра Прасад матбуот вакилларига мурожаат қилиб бундай деди.

— Дўстлар! Мен сизнинг мамлакатингизда ўн беш кун бўлдим ва шу давр ичида Совет Иттифоқининг бир қанча шаҳарларига бордим. Мен борган ҳамма жойда халқ менга ҳурмат кўрсатди ва мининг мамлакатимга нисбатан яхши туйғуларини изҳор қилди. Мен бундан, совет кишилари Ҳиндистон халқи билан дўстликни истайдилар, деган хулоса чиқараман ва бу туйғулар ҳақида Ҳиндистонга қайтиб борганимда ўз халқимга сўзлаб бераман.

Совет Иттифоқида, деди сўнгра президент, жуда катта тараққиётга эришилган. Мен борган ҳамма жойда халқ хўжалигининг турли тармоқларида машиналардан кенг фойдаланилаётганига эътиборимни бердим.

Менга катта таассурот қолдирган яна бир нарса шу бўлдики, деб давом этди Р. Прасад. Совет Иттифоқининг кўп миллатли оиласи давлат қурилишида актив қатнашмоқда. Маориф соҳасидаги натижалар кишини ҳайратда қолдиради. Ўтмишда қолоқ бўлган халқлар маориф соҳасида жуда катта муваффақиятларга эришдилар ва бу жиҳатдан бизнинг мамлакатимиз Совет Иттифоқидан ўрганиши мумкин.

Ражендра Прасад айтдики, Ҳиндистон ҳозир ўз экономикаси ва халқ маорифини ривожлантиришга куч-ғайрат сарфламоқда. Ҳиндистон ҳам тараққиётга интилмоқда.

Ражендра Прасад журналистларнинг саволларига жавоб бериб айтдики, у Совет Иттифоқига қилган ўз визитига жуда катта аҳамият беради. Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи ўртасида кўпгина умумий томонлар борки, бу дўстлик учун, иқтисодий ва маънавий соҳада яхши ҳамкорлик қилиш учун асосдир.

Биз, деб давом этди Президент, мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни бундан буён ҳам ривожлантиришимиз, бир-биримизни мумкин қадар кўпроқ билишимиз керак.

— Совет Иттифоқида сизга айниқса нима ёқди? — деб сўради мухбирлардан бири.

— Менга СССР бўйлаб қилган сафарим вақтида, — деб жавоб берди Ражендра Прасад, — уч нарса катта таассурот қолдирди: биринчидан, мамлакатнинг кенг миқёсда индустриалштирилганлиги ва коллектив қишлоқ хўжалиги; иккинчидан, халқнинг ўз традицияларини сақлаб қолаётганлиги ва учинчидан, — мен борган ҳамма жойларда совет халқи бошқа халқларга дўстона хис билан қараётганлигини кўрдим. Совет халқи тинчликка ва куролсизланишга астойдил интилмоқда.

Р. Прасад Ўрта Осиёдаги совет республикалари — Тожикистон ва Ўзбекистонда бўлганлиги ҳақида гапириб, бу ерларга келиш имконига эга бўлганлигидан мамнун эканлигини айтди. Бу республикаларда яшаётган халқлар, деди у, турли тилларда гаплашадилар, лекин бу уларга умумий онлада яшашга, бир-бирларини ҳурмат қилишга ҳалақит бермайди. Таълим бериш ҳамма жойда она тилида олиб борилмоқда.

Президент Ўзбекистон ижтимоий ва давлат ҳаётида хотин-қизлар ролининг ошганлигини алоҳида кўрсатиб ўтди.

«Аж» (Банорас) газетасининг мухбири Ж. П. Чатурведи Президентга савол бериб, совет халқининг ҳиндистонлик меҳмонларга эътиборига қандай баҳо берасиз, деб сўради.

Ражендра Прасад бунга жавоб бериб айтдики, СССР бўйлаб унинг сафарида ҳамроҳ бўлган ҳамма кишилар Ҳиндистон вакилларини совет кишилари қандай ҳурсандчилик билан кутиб олганликларини кўрдилар. Сизлар ўз мамлакатимизга қайтиб боргач халққа СССР да бизга нисбатан яхши меҳмондўстлик кўрсатилганлиги ҳақида, Совет халқининг ҳинд халқига нисбатан муҳаббат туйғулари ҳақида гапириб берингиз.

Ҳиндистон Президенти бундай деди:

— СССР га келиб мен совет кишиларининг қандай ишлаётганликларини кўрдим. Улар ўз бойликларини кун сайин кўпайтирмоқдалар. Колхозлар жуда кўп миқдорда маҳсулот етказиб бермоқда.

Ҳиндистон Президенти совет кишиларига ишда янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

# Ражендра ПРАСАД Тошкентдан жўнаб кетди

Ҳиндистон Республикасининг Президенти Р. Прасад 5 июлда Совет Иттифоқига сафарининг охирги кунида, Тошкентдаги Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтига қилган сафаримиз ва Ҳиндистонга ўтган ҳафта мобайнида менинг мамлакатимга нисбатан дўстлик туйғуларингизни қайта-қайта намоён қилганлигингизда ва мени ҳамда менинг ҳамроҳларимни қизғин кутиб олганлигингиздан жуда мамнун бўлдим. Биз бўлган ҳамма жойларда — пойтахтингиз Москвада, Ленинградда, Киевда, Сочида, Сталинободда, Самарқандда ёки Тошкентда сизнинг халқингиз мени ўз кишисидек кутиб олди. Мен ана шу буюк ҳурмат ҳақида, Ҳиндистонга нисбатан дўстлик туйғулари ҳақидаги таассуротни ўз мамлакатимга олиб кетаман. Халқим буни зўр мамнуният билан қабул қилишига ишонаман.

Мен Совет Иттифоқининг айрим районларини бориб кўрдим. Мен Тожикистон ва Ўзбекистонда бўлганлигимни алоҳида эслатиб ўтишни истар эдим. Турли социал, тарихий ва этник хусусиятларга эга бўлган халқларнинг бир жамиятга бирлаштиришга қаратилган куч-ғайратларингизни кўриб мен ҳайратда қолдим. Шу билан бир вақтда сизлар турли халқлар санъати ва маданиятидаги ҳамма яхши ва ўзига хос нарсаларни сақлаб, қолиш учун кучларингизни сира аямаётгансиз. Ўрта Осиё республикаларида ўкишнинг бир неча хил тилда олиб борилиши ҳақидаги хабарни мен катта эътибор ва қизиқиш билан эшитдим. Мен ишонаманки, Ҳиндистонда бизнинг олдимизда турган проблемага ўхшаш проблемани амалда ҳал этганлигингиздан биз фойдали сабоқ чиқара оламиз.

Мен мамлакатингизда қисқа муддат бўлган вақтимда, сизнинг ҳозирги етти йиллик планингиз тафсилотларини ўрганиш ва сизлар ҳозиргача қўлга киритган муваффақиятларингизни билиш имкониятига эга бўлдим. Биз Ҳиндистонда мамлакатимизни планли асосда ривожлантиришни бундан фақат ўн йил илгари бошладик, ҳозир эса, бизнинг фикримиз, даставвал, учинчи беш йиллик планимизни ишлаб чиқиш билан банддир. Кейинги ўн йил ичида тараққиёт планларимизни молия билан таъминлаш соҳасида дўстона мамлакатлардан бирмунча меҳмон бўла олмаганлигимдан афсусланаман. Шунга қарамай, мен Ҳиндистонга ўз тажрибамни бойитган ҳолда, совет кишилари бажараётган буюк вазифаларни ва сизларнинг муваффақиятларингизни аниқроқ тушунган ҳолда қайтиб кетаётирман.

Ўтган икки

ТОШКЕНТ ВА ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МУСОБАҚАСИ

# ИЮЛЬ—МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ОЙ, ЗАРБДОР ОЙ

## ҒЎЗАНИНГ КЎКИГА МАҲЛИЁ БЎЛИБ...

Ҳозир шонани гулга, гулни эса кўсакка айлантирадиган пайт. Лекин «Социализм» совхозининг 5-бўлимида ғаниматфурсат бой берилмоқда. Мавжуд техника ва ишчи кучларидан қониқарсиз фойдаланилаётганлиги туфайли ғўзанинг ривожи талабга жавоб бермайди. Масалан, 97 гектар ердаги ғўза бегона ўтдан ҳалигача тозалаб олинмади. Бундай аҳволни совхознинг 4 ва 2-бўлимларида ҳам учратиш мумкин. Бу бўлимларда ҳалигача шонага кирмаган карталар анчагина гектарни ташкил этади. Лекин шунга қарамасдан бўлим раҳбарлари культивация, суғориш, озиқлантириш ишларини намунали ташкил этиб, мўл ҳосил тўплаш чораларини кўрмаётирлар. Совхоз раҳбарлари буни ҳисобга олишлари, камчиликларни бартараф қилиш ишига амалий ёрдам беришлари зарур.

Т. МАМАТҚУЛОВ.

Сирдарё райони.

Юқори Чирчиқ районидаги Сталин номли колхознинг ўртоқ Н. Имомов бошлиқ бригадасида ғўзани тунда суғоришга катта аҳамият берилмоқда. Ҳозир бригадада иккинчи суғориш тамомланай деб қолди. Ғўза ёппасига гуллаб мўл ҳосил тўпламоқда. Суратда: (чапдан) Б. Абдуранмов, Х. Райимқулов ўртоқлар тунги суғоришга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Ь. Салов фотоси.

## КОММУНИСТ ПОЛЮНИНА БРИГАДАСИНИНГ ҒЎЗАСИ КЎСАКЛАДИ

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» махсус мухбиридан). Шу кунларда райондаги Киров номли колхознинг коммунист Анна Дмитриевна Полюнина бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг ғўзаларини кўрган киши беҳад хурсанд бўлади. Бригада аъзолари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай пахтадан мўл ҳосил етиштириш йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар.

Универсалчи ҳам, сувчи ҳам ўзига топширилган ишни сидқидил билан бажариб, ғўзанинг тез ҳосилга киришига муносиб ҳиссасини қўшмоқда. Шу туфайли ҳам бригаданинг 103 гектар ери қисқа вақтда уч марта узунасига ва кўндаланга культивация қилинди, сифатли озиқлантирилди.

Бригада аъзолари июлда янада яхши ишлаш учун курашмоқдалар. Ой охиригача қатор ораларига яна икки марта ишлов берилади. Ривожи паст ғўзаларни олдингилар қаторига етказиб олиш чоралари кўрилади. Бунинг учун гектар бошига 6—7 тоннадан маҳаллий ва минерал ўғит солинади.

Меҳр билан парвариш қилинаётган ғўзаларнинг ҳосил шохлари анча кўпайиб қолди. Ҳар туп ғўзада 7 тадан 12 тагача ҳосил шохлари, 3—4 тадан гул ва 2—3 тадан кўсак бор.

— Биз, — дейди бригада бошлиғи ўртоқ Полюнина, — 1 августгача ҳар туп ғўзада камида 5—6 тадан тўқ кўсак ҳосил қилиш учун ҳамма куч ва ғайратимизни ишга соламиз.

М. ҒОЗИЕВ.

## ФАРҒОНАЛИКЛАР КАМЧИЛИКЛАРИМИЗНИ ТЎҒРИ КЎРСАТИШЯПТИ

Ўртоқ Н. А. Игнатенко раҳбарлик қилаётган «Чаноқ» совхозининг ишчи ва механизаторлари бу йил 2750 гектар ернинг ҳар гектаридан 22,2 центнердан ҳосил кўтарамиз, деб эл-юрт олдида тантанали равишда ваъда берганлар. Тўғри, ғўза парваришининг дастлабки кезларида дуч келган об-ҳаво қийинчиликларини енгишга ҳаракат қилган коллектив бирмунча дуруст натижаларни қўлга киритди. Бир қатор илғор бригадаларда ғўза ёппасига шоналатиб, гулга киритиб олинди. Сўнгги кунларда эса кўпчилик бригадаларда аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Дастлабки «ютуқлар» билан эсанкираб қолган совхоз раҳбарлари дала айланишни тарк этиб, кабинетлашиб қолдилар. Айниқса шу кеча-кундузда ғўза парвариши соҳасида энг муҳим омиллардан бири бўлган суғориш масаласига етарли эътибор бермай қўйдилар.

«Ўзбекистон» район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Раҳматуллаев.

Фарғоналиклар райондаги Навоий номли колхознинг Муҳитдин Эрматов, Деҳқонбой Ҳолиқов сингари оқкўрғонлик Ўртоқ Алижонов изидан бораётган 50 центнерчи бригадалари пахта далаларида бўлганларида азамат кишиларнинг зиммага олинган мажбуриятни ортиғи билан бажариш йўлида чинакам кураш олиб бораётганликларидан хурсанд бўлдилар.

Улар Дзержинский номли, «Победа» колхозларида ғўза парваришида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини аниқлаб, райондаги илғор бригада ва илғор хўжаликлардан ўрнак олишга чақирдилар.

Дзержинский номли колхознинг 1, 2, 3-бригадаларида асосий майдонлардаги ғўзаларни бегона ўт қоплаб олган. Бу ўсимликнинг соғлом ривожланишига имконият бермаяпти. Агар колхозда мавжуд универсаллардан яхши фойдаланиб, ғўза қатор оралари ўз вақтида икки томонлама юмшатиб турилганида эди, ғўзанинг ўт босишига сира йўл қўйилмаган бўлур эди.

Мусобақадошлар «Победа» колхозининг 6-бўлимида бўлганларида бир неча ўн гектарлаб ердаги ғўзанинг сувдан қолдирилганлигини, бир неча гектар ерда ғўза қатор оралари жуда ҳам саёз—сифатсиз культивация қилинганлигини аниқладилар. Колхоз раиси Ўртоқ А. Абдураимов меҳмонларнинг ҳақли эътирозларидан қизариб қолди. Эҳтимол бу қизариш ғўза парваришида кескин бурилишга олиб келар. Мусобақадошларнинг истаги ана шу!

Бекободлик пахтакорлар мусобақадошлар аниқлаган камчиликларни уюшқоқлик билан меҳнат қилиб тезда бартараф қилишлари ва зиммага олинган социалистик мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўплашга эришишлари керак.

У. ЖОНГИТОВ,
Э. ХАТАМОВ.

«Тошкент ҳақиқати» махсус мухбирлари.

М. ХОЛИҚУЛОВ: — садамизнинг зап сояси бор-да, ҳузур қиласан киши.

А. КАРИМОВ: — шабадасини айтмайсизми? Худди Анҳорнинг ёқасида ўтирганга ўхшаймиз-а!

Н. Меламед чизган расм.

Мусобақадош Фарғона область план бўлими бошлиғи Ўртоқ А. Г. Костиченко раҳбарлигидаги ўзаро текшириш бригадаси совхознинг пахта далаларида бўлганларида ўтаётган даражада эътиборсизлик орқасида чанқатиб қўйилган, шу туфайли озми-кўпми тўплаган ҳосилини ҳам ташлаб юборяётган ғўзаларни кўриб афсуслардилар Улар Маматқул Холиқулов, Абдуқодир Каримов ўртоқлар бошлиқ бўлимларда бу соҳада жуда катта камчиликларни аниқладилар.

Суғориш ишига тажрибали кишилар ажратилмаган. Суғориш икки сменада ташкил этилмаган. Шунинг учун ҳам графикдаги 150—200 гектар ўрнига кунига 70—80 гектар ердаги ғўза сув ичмоқда, холос. Раҳбарларнинг ишни тўғри ташкил этишга совуққонлик билан қараётганликлари қандай оқибатга олиб келди? Ғўза парваришида ҳал қилувчи шу ҳароратли июль ойида 400 гектардан ортиқ ердаги ғўза чанқоқ.

— Саратон сувини қониб ичмаган ғўзада мўл ҳосил тўпланиши осон эмас, — дейди Фарғона область план бўлими бошлиғи Ўртоқ А. Г. Костиченко раҳбарлигидаги ўзаро текшириш бригадаси совхозининг пахта далаларида бўлганларида ўтаётган даражада эътиборсизлик орқасида чанқатиб қўйилган, шу туфайли озми-кўпми тўплаган ҳосилини ҳам ташлаб юборяётган ғўзаларни кўриб афсуслардилар Улар Маматқул Холиқулов, Абдуқодир Каримов ўртоқлар бошлиқ бўлимларда бу соҳада жуда катта камчиликларни аниқладилар.

Суғориш ишига тажрибали кишилар ажратилмаган. Суғориш икки сменада ташкил этилмаган. Шунинг учун ҳам графикдаги 150—200 гектар ўрнига кунига 70—80 гектар ердаги ғўза сув ичмоқда, холос. Раҳбарларнинг ишни тўғри ташкил этишга совуққонлик билан қараётганликлари қандай оқибатга олиб келди? Ғўза парваришида ҳал қилувчи шу ҳароратли июль ойида 400 гектардан ортиқ ердаги ғўза чанқоқ.

— Саратон сувини қониб ичмаган ғўзада мўл ҳосил тўпланиши осон эмас, — дейди Фарғона область

## Ҳосилга барака киритаётганлар

ФАРҒОНА. («Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбиридан). Тошкент пахтакорларининг 4 июль эрталаб Фарғонага келган ўзаро текшириш бригадаси шу заҳотиёқ олти группага бўлиниб, область районларига чиқиб кетди. Тошкентликлар ўз мусобақадошлари даласида бу йил давлатга 543 минг тонна пахта етказиб бериш мақсадида қилинаётган ишлар билан танишдилар. Кўпчилик колхоз, совхоз, бўлим ва бригадаларнинг даласида квадрат уялаб экилган, ишлови жойига келтирилган ғўзалар барқ уриб ўсмоқда. Еппасига шона ва гулга кириб мўл ҳосил тўпламоқда.

Фарғонанинг донг чиқарган пахтакорлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари июль ойини ғўзанинг ривожланишидаги қолоқликка узил-кесил барҳам бериш, барча майдондаги экинни тўла шоналатиб ва гуллатиб олиш ойлиги деб эълон қилган эдилар. Шу мақсадда ҳарбир район, колхоз, совхоз, бўлим ва бригадада ғўзага комплекс ишлов бериш юзасидан июль ойи учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқилган.

Буни Қўқон группаси районлари ичида энг йирик пахтакор район хисобланган Киров райони мисолида кўриш мумкин. Пахтакорлар бу йил 16.300 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 24 центнердан — ҳаммаси бўлиб 38.300 тонна пахта етиштириш мажбуриятини олганлар.

Мусобақадошлар райондаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозининг ўртоқ Назарали Нормуродов бошлиқ биринчи бўлимида бўлганларида ўз вақтида ва сифатли ишлов берилган, нормал ривожланиб ҳозирги вақтда ёппасига шона ва гул ҳосил қилаётган ғўзаларни кўриб қойил қолдилар.

Бўлимнинг фарғоналик машҳур механизатори Ўртоқ Қурбон Кенжаев бошлиқ комплекс механизациялашган, коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашаётган бригадасида бу йил 115 гектар майдоннинг хаммасига чигит ҳарбир уяга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан экилган, ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар туп ғўзада 4—5 тадан гул, олди пайкалларда эса 1—2 тадан кўсак ҳосил бўлган.

Бу ерда ҳозир учинчи культивация, иккинчи озиқлантириш ва суғориш ўтказилаётир. Ғўзанинг аҳволи эса бундан ортиқроқ ишлов берилган бригадаларникидан анча дуруст. Ўртоқ Кенжаевнинг сўзича бригадада сонга эмас, балки кўпроқ сифатга эътибор берилмоқда. Чунки, дейди бригадир, ғўза ҳам яхши ривожланиб мўл ҳосил тўплайди, ҳам маҳсулот арзонга тушади. Бу йил бир центнер пахта етиштириш учун кўпи билан уч ишчи куни сарфлаб, пахтанинг таннархини 80 сўмдан оширмаймиз. Ҳосилнинг камида 90 процентини машинада териб оламиз. Шу мақсадда иккита пахта териш машинамизни мавсумга тахт қилиб қўйдик. Ўзим 250 тонна пахта теришга сўз берганман.

Тошкентликлар бундан жуда хурсанд бўлдилар ва ишу зайлда давом эттирилса, бригадада ҳар гектардан 30 центнердан эмас, Кенжаев айтганидек 40 центнердан ҳосил олинишига ишонч ҳосил қилдилар.

Киров номли колхознинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Чўлпоной Турдиматова бошлиқ бригадасида ва бошқа кўпгина бўлим, бригадаларда ҳам ғўза парвариши ана шундай юқори агротехника қоидалари асосида давом эттирилмоқда.

Тошкентли мусобақадошлар юқори ҳосил усталарининг далаларида бўлганларида кўп нарсани ўргандилар, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Айни вақтда улар фарғоналик пахтакорларнинг ишидаги бир қатор камчиликларни ҳам аниқладилар Бунга йўл қўяётган колхоз, совхоз раҳбарларига, бўлим ва бригада бошлиқларига қимматли маслаҳатлар бердилар.

Х. АБДУСАМАТОВ.

## ЕМ-ХАШАК ЖАМҒАРИШ АВЖИДА

«Маданият» колхозининг азамат чорвадорлари бу йил 165 та соғин сигирнинг ҳар биридан камида 3000 литрдан сут соғишга аҳд қилган эдилар. Ҳозиргача улар ҳар сигирдан 1300 литр сут соғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Олинган юксак мажбуриятни бажариш йўлида меҳнат қилаётган хўжалик аъзолари ем-хашак базасини мустаҳкамлаш учун астойдил киришдилар. 213 гектар ердаги беданинг биринчи ўрими тугалланиб, гарам қилинди. Механизатор Ўртоқ Исоқ Иноғомов ўзининг «ДТ-24» трактори билан 100 тоннадан зиёд табиий пичан ўрди.

Колхозчилар бу йил 14 гектар ерга лавлаги, 96 гектар ерга маккажўхори экканлар. Бу экинлар сифатли парвариш қилиняпти. Культивация, суғориш, ўғитлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

М. САИДХОНОВА,
Т. МИРХОДИЕВ.

Оржоникидзе райони.

## ЭЛЛИК ЦЕНТНЕР УЧУН КУРАШМОҚДАМИЗ

Бригадамиз аъзолари пахтачиликни ривожлантириш учун кураш мусобақасида яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 42 центнердан пахта топширдик. Бригадамиз аъзолари етти йилликнинг иккинчи йилида ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганлар. Ваъдамизнинг устидан чиқиш учун йил бошидан мўл ҳосилга пухта замин ҳозирладик. Об-ҳаво ноқулай келишига қарамай қийинчиликларни енгдик ва чигитни барвақт экиб, текис ундириб олдик.

Ғўза парвариши агротехника талабларига мувофиқ комплекс ўтказилмоқда. Ғўзанинг тез ривожланиб, эрта шонага кириши учун тупроқдаги намнинг етарли бўлишига алоҳида эътибор бердик. Ғўзалар вақтида озиқлантирилди. Суғориш тупроқнинг қаттиқ ва юмшоқлиги ҳисобга олинган ҳолда ўтказилаётир. Тракторчи ўртоқ Бегимқулов узунасига ва кўндалангига сифатли культивация қилиб, бригадамиз аъзоларининг меҳнатини енгиллаштирмоқда.

Бригадамиз аъзолари Ўзбекистон КП Марказий Комитети Пленуми белгиларган тадбирларга суяниб, гектаридан 50 центнердан ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиқадилар.

С. САТТОРҚУЛОВ,

Бўка районидаги Ильич номли колхознинг бригада бошлиғи.

## Ҳар кун ғаниматдир!

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Ярим миллион тонна! Бу областимиз пахтакорларининг янги социалистик мажбуриятидир. Улар ана шу мақсад йўлида ғайрат қамарини белга астойдил боғладилар. Бепоён пахта далаларида тер тўкиб, ғўза қатор ораларига ишлов бераётган моҳир механизаторларни, ғўзаларни саратоннинг сувига қондираётган миришкор сувчиларни, карталарни бегона ўтлардан тозалаётган новқирон йигит-қизларни кўриб нақадар қувонасан киши. Мўл ҳосилнинг тақдири шулар қўлида. Шуларнинг ажойиб ишлари тўғрисида редакциямизга кўплаб хат-хабарлар келаяпти.

Мана, Э. Турғунбоевнинг Оқкўрғон районидан юборган хати. «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг О. Мирзабеков бошлиқ бригадаси аъзолари ғўза қатор ораларига ишлов беришни зўр уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. 117 гектар ердаги ғўза шу кунларда узунасига ва кўндалангига 4 марта культивация қилиниб, 3-марта озиқлантирилмоқда».

Райондаги Ленин номли колхоздан Э. Эргашев, М. Пўлатов «Ленинобод» колхозидан К. Мамедов, Н. Тўфановлар, Сталин номли колхозидан О. Асроев каби мухбирларнинг хабар қилишича, бу хўжаликларда ғўза шоналари қийғос гулга айланмоқда.

Эрта тонг. Оқ яктак кийган нуроний бир киши елкасида кетмон билан тонгги шабадада силкинаётган ғўзаларни оралаб юрибди. Бу бригаданинг фахри ҳисобланган, ҳар куни 2,5 — 3 гектар ердаги ғўзани қондириб суғораётган миришкор сувчи Эркабой отадир, — деб ёзади шу райондаги Ворошилов номли колхоздан З. Абдурахмонов.

Чиноз районидаги Ленин номли колхознинг кекса деҳқон У. Сиддиқов бошлиқ звеноси ўтган йили 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштирган эди. Бу йил ўтган йилги ютуқларни янада мустаҳкамлаб, ҳар гектар ердан 37 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун кураш кетяпти. Газетхон О. Солиевнинг хати ана шу звено ишига бағишланган. Гулистонлик мухбиримиз Ю. Абдуалимов хабарида қуйидаги жумлаларни ўқийсиз: «Гулистон» совхозининг 4-бўлимидаги П. Қудратов бошчилик қилаётган 1-бригада аъзолари 130 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил олиш учун ғўза парваришини қизитиб юбордилар.

Бригаданинг барча ердаги ғўзалари текис шоналатиб олинди. Шу райондаги Сталин номли колхозда дейди, — А. Алибоев Шуруқзи Бозорбоев бошлиқ бригада илғор ҳисобланади. Ҳозир ғўзага тўртинчи ишлов берилянти. И. Муллажонов, Н. Ўроловлар каби илғор сувчилар 2 — 3 гектар ердаги ғўзаларни қондириб суғормоқдалар.

Пискент районидаги Жданов номли колхоздан М. Норинбоев, Гулистон районидаги Крупская номли колхоздан Х. Ризақулов, Сирдарё районидаги «Победа» колхозидан А. Болтабоев каби мухбирлар ёзган хатларда эса сувчиларнинг меҳнати тасвирланади.

Мўл ҳосилнинг тақдири ҳал қилинаётган шу кунларда пахта далаларига чиқиб, ўз фарзандларига астойдил ёрдам бераётган нуроний чоллар ҳам оз эмас. Чиноз районидаги Ленин номли колхоздан С. Исоқов, Оқкўрғон районидаги Сталин номли колхоздан У. Мусанов, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Ж. Тўқсонбоев ўртоқлар хат ёзишиб, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлаётган кексаларнинг меҳнати ҳақида хабар қиладилар.

Лекин айрим колхоз, совхозларда иш суст ташкил этилган.

— Матлуба Фарсаева бошлиқ бригада даласида иш қониқарли эмас, — деб ёзади Янгиер шаҳридаги 3-«Боёвут» совхозидан Я. Исмоилов. 63 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилган бу бригаданинг ғўзасини ёвойи ўтлар босиб ётипти. Биринчи парвариш эндигина тамомланди. Ғўзалар ҳанузгача озиқлантирилмаган, суғориш ҳам ёмон.

Мўл ҳосил тўплашда зарбдор июль ойи ҳам бошланди. Ҳар соат, ҳар минутнинг қадрига етиб, ғўза парваришини кучайтирайлик!

## ИЛҒОР БРИГАДАДА

Оқкўрғон районидаги Ворошилов номли колхоз аъзолари Алижоновчилар ташаббусига қўшилиб, гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштириш учун астойдил ғайрат қилмоқдалар.

Бу жиҳатдан колхознинг ўртоқ Турдиали Молдабоев бошлиқ 3-бригада аъзоларининг иши мақташга арзийди. Бу ерда ғўза 3 марта узунасига ва кўндалангига культивация қилинди, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Ҳозир 4-культивация бошлаб юборилди.

Механизатор М. Муродов ҳар куни 10 — 12 гектар ердаги ғўзани культивация қилмоқда. Сувчилардан А. Ботиров. Элмуродовлар ғўзанинг талабига қараб. саратон сувига қондириб суғормоқдалар Ҳозир колхозчилар ҳар бир шонани гулга, гулни кўсакка айлантириш учун зарур тадбирларни кўрмоқдалар.

М. МУРОДОВ.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ИМТИҲОНЛАР

## ҚИЗҒИН ДАМЛАР

Шу кунларда Ўрта Осиё политехника институтининг ҳамма факультетларида курсдан-курсга ўтиш ва битириш имтиҳонлари қизғин давом этмоқда. Мана, институтнинг кимётехнология факультетидамиз. Чеҳраларида табассум жилва қилган йигит ва қизлар факультет коридорларини тўлдиришган. Деворларга бўлиб ўтган имтиҳон ва синовларнинг якунлари осиб қўйилган.

Имтиҳонни муваффақиятли топшириб чиққан курсдошларини табриклаш, унинг қандай баҳо олганлиги билан қизиқиш ҳар бир студентга одат бўлиб қолган. Мана, ҳозир «Ўсимлик ёғлари технологияси» группасининг III курс студенти Ф. Мансурова имтиҳон ҳонасидан қаяжонланган ҳолда чиқиб, ўзини бир группа дугоналари қучоғига отди. Навбат кутиб турган қизлар ва йигитлар ўз курсдошларини умумий кимё технологияси фанидан ўтказилаётган бу имтиҳонни «яхши» баҳога топширгани билан самимий табрикладилар. У 12-билетдаги «Табиий каучук. Сунъий каучукни Лебедев методи бўйича олиш» ҳамда «Карбид ва цианамид-кальцийни ҳосил қилишнинг электротермик технологияси» деган саволларга яхши жавоб берди ва ҳисоблашни ҳам дуруст бажарди. Шунинг учун ҳам доцент Ф. Мирзаев унинг жавобидан хурсанд бўлди.

Студент Ф. Мансурова сиёсий иқтисод, коллоидлар кимёси, ёғлар кимёси, процесслар ва аппаратлар фанларидан бўлган имтиҳонларни ҳам ана шундай «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширди. III курс студентларидан Н. Қулмонова, Д. Хонхўжаева, Н. Юсуфбеков, II курс студентларидан Г. Аҳмедов, У. Маҳанов, III. Ёқубов. IV курс студентларидан Н. Ҳамидов. Г Гришмановская ва бошқалар кўпчилик имтиҳонларни аъло баҳоларга топшириб, ўзларининг ҳар томонлама пухта ва чуқур билим олаётганликларини кўрсатдилар.

Ёзги имтиҳон сессияси биринчи курс студентлари учун яна ҳам масъулиятли ва ҳаяжонли даврга тўғри келди. Имтиҳонлар уларнинг корхоналардаги меҳнатни бу ердаги ўқиш билан қандай боғлай олганликларига, ишлабчиқаришда орттирган дастлабки малакаларига ҳам кўрик бўлади. Дастлабки имтиҳонлар биринчи курс студентларининг катта қийинчиликларга қарамай, дурустгина билим олаётганликларини намойиш қилди. Масалан, «Гўшт-сут маҳсулотлари» группасининг кўпчилик студентлари неорганик кимё ва олий математика фанларидан муваффақиятли имтиҳон бердилар.

I курс студенти Евгений Свистельников Совет Армияси сафидан қайтгач, институтга кирган эди. У ҳозир энг илғор ва актив студентлардан бири. Тошкент гўшт комбинатида ҳам унинг обрўси катта. Евгений 3-разрядли ишчи бўлиш билан бирга, комбинат комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари, «Комсомольский экран» деворий газетасининг редактори ҳамдир. У институтда курсдан-курсга ўтиш имтиҳонларини фақат «аъло» баҳоларга топширди. Унинг курсдошларидан Галя Арнаутова ва Инна Клайнерлар ҳам илғор ишчи ва аълочи студент ҳисобланадилар.

Бу йил кимё-технология факультетини салкам 200 ёш мутахассис битириб чиқмоқда. Уларнинг деярли ҳаммаси диплом лойиҳаларини ва давлат имтиҳонларини муваффақиятли топширмоқдалар. Битирувчилардан Л. Поваров, С. Мўминов, Н. Саидов, А. Гофуров, Р. Абдурахмонов ва бошқалар республикамизнинг узоқ областлари ва қардош республикаларга бориб ишлаш истагини билдирдилар.

М. АҲМЕДОВ.

## «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

### „Тўғри танқиддан тегишли хулоса чиқарилмади“

Шу сарлавҳа билан газетамизнинг 12 июнь сонида босилган корреспонденцияда Юқори Чирчиқ районининг Паркент, Намданак, Бошқизилсой ва бошқа қишлоқларида яшовчи обуначиларга газеталар ўз вақтида етказиб берилмаётгани ҳақида район партия активининг йиғилишларида ва район Советининг сессияларида кўп гапирилган бўлса-да, район алоқа конторасининг бошлиғи ўртоқ Холдоров бу ҳаққоний танқидлардан тегишли хулоса чиқариб олмагани танқид қилинган эди.

Район партия комитетининг секретари ўртоқ Утамалиевнинг редакцияга билдиришича корреспонденция алоқа бўлими ходимларининг колхоз почтальонлари ва маданият бўлими ходимлари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган мажлисида муҳокама қилинган. Мажлисда район алоқа конторасининг ва почта бўлимларининг газета ва журналларни обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш соҳасидаги ишини тубдан яхшилаш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар белгиланган.

## ҒАЙРАТЛИ ПАХТАКОРЛАР

Ер юзини қоплаб, майин шаббода силкиниб ўсаётган кўм-кўк ғўзаларни кўриб бахри-дилингиз очилади. Ана шундай пайкалларнинг бирида барча эгатларга бир меёрда сув тараётган нуроний бир чолни учратдик. Бу киши Ғулом ота Фахриддинов эди. Колхоздагилар Ғулом отанинг номини ҳурмат билан тилга оладилар. Ахир бу одам кўпчиликнинг айтишича пахта ичида катта бўлган уста деҳқон. Колхоздаги ёш пахтакорлар унинг маслаҳатини эшитган, сабоқ олган. У ҳозир кунлик нормани 1,5—2 баравар адо этмоқда. Г. Гултоев, Й. Тошматов каби миришкор сувчилар Ғулом ота изидан бориб, ҳар куни 3—4 гектар ердаги ғўзани қондириб суғормоқдалар. Ишлови ўрнига қўйилган ниҳоллар ҳозир тиззага уради. 2—3 тадан ҳосил шохи бор. Барча ердаги ғўзалар қийғос шоналаган.

Нозим Мирзаев бошлиқ 20-бригада аъзолари бу йил 100 гектар ерга квадрат уялаб чигит экдилар. Бригаданинг меҳнатсевар коллективи текис униб чиққан ғўзаларни ўз вақтида ягана қилдилар Х. Иноятов, И. Абдиев каби моҳир механизаторларнинг ҳалол меҳнати туфайли ғўза қатор ораларига 3 марта узунасига ва кўндалангига ишлов берилди. Ғўзаларни озиқлантириш культивация билан бир вақтда ўтказилди. Картада биронта ҳам бегона ўтни кўрмайсиз. Бригаданинг ҳамжиҳат пахтакорлари бу йил пландаги 33 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бошқа бригада даларида ҳам иш ана шундай қизғин бормоқда, Й. Мусаев, Т. Худойназаров ўртоқлар бошлиқ бригада механизаторлари ғўза қатор ораларига 4—ишлов беришни бошлаб юбордилар.

— Бу йил 2130 гектар ерга чигит экдик. Шундан 1500 гектар ердаги ғўзаларни кетмонсиз парвариш қилмоқдамиз, —дейди колхоз раиси Ўртоқ Эсонбой Усмонов. Бу йил колхозда 1200 гектар ерда етиштирилган ҳосил машинада териб олинади. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб тайёргарлик ишлари кучайтириб юборилди. Колхоз устахонасида иш қизғин. Н. Бўрибоев, О. Саримсоқов, О. Сулаймонов каби уста механизаторлар 14та СХМ-48 М маркали пахта териш машинасини сифатли ремонт қилиб қўйдилар.

Колхоз пахтакорлари ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, пландан ташқари 260 тонна ҳосил етиштириш мажбуриятини олдилар. Улар ўз сўзларининг уддасидан чиқиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

С. ШОКАРИМОВ.

# Чет элларда

## МАЛЬТА ХАЛҚИ МУСТАҚИЛЛИК ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

ЛОНДОН, 3 июль. (ТАСС). Мальта халқи Англия мустамлакаси аҳволида қолишдан оч қолишни афзал кўради, дейилади кеча Ла-Валеттадаги митингда қабул қилинган резолюцияда. Митинг лейбористлар партияси томонидан чақирилган эди. Унда 25 минг киши қатнашди.

Рейтер агентлиги мухбирининг Ла-Валеттадан хабар беришича, митинг: «Мустамлакачилик — қулликдир», «Биз мустақилликни истаймиз», «Золимлар даф бўлинг!» деган шиорлар остида ўтган. Митингда сўзга чиққан Мальта лейбористлар партиясининг раҳбари Минтофф Англияни Мальтада мустақиллик масаласи юзасидан референдум ўтказишга даъват этди. «Бутун дунёда мустамлакачилик тугамоқда, деди у, Мальтада ҳам мустамлакачиликни тугатиш керак».

Минтофф Англиянинг «ўз водород бомба базаларини мустамлакалар территориясида, шу жумладан Мальтада ҳам жойлаштириш» ниятини қоралади.

## ЖАЗОИРДА УРУШ ҲАРАКАТЛАРИ

ҚОҲИРА, 4 июль. (ТАСС). Жазоир миллий озодлик армияси олий қўмондонлигининг Жазоирда 25 июндан 30 июнгача бўлган давр мобайнидаги уруш ҳаракатлари ҳақида бу ерда эълон қилинган ахборотида айтиладики, миллий озодлик армиясининг қисмлари французларнинг 40 та мустаҳкамланган позицияларига ҳужум операциялари ўтказдилар.

Жанг вақтида француз солдат ва офицерларидан 689 киши ўлдирилди ва 524 киши ярадор қилинди. 59 бронемашина яксон этилди, 18 самолёт уриб туширилди, 1 француз ҳарбий темир йўл эшелони портлатилди. Франция армиясининг 47 солдати Жазоир миллий озодлик армияси гомонига ўтди.

## Телевизор экранида

**6 ИЮЛДА**

**19.30. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек тилида «Моҳир қўллар» деган эшиттириш.**

**19.45. Сўнгги ахборот.**

**20.00. Спорт эшиттириши.**

**20.45. Ўзбекистон композиторларининг камер асарларидан концерт.**

**21.15. Бадиий фильм — «Доим ҳаракатланувчи радио тўлқини».**

## Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети ва ҳукуматнинг ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш ҳақидаги қарори

БУХАРЕСТ, 3 июль. (ТАСС). Бухарестда чиқадиган марказий газеталар Руминия Ишчи партияси Марказий Комитети ва Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш тўғрисидаги қарорини эълон қилдилар.

Қарорда айтиладики, халқ — демократик тузуми йилларида мамлакатни социалистик асосда индустриалаштириш ва ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш соҳасида анчагина муваффақиятларга эришилди.

1956—1959 йиллар мобайнидагина 101 янги корхона, 93 янги цех қурилди, 294 корхона қайта ускуналанди ва кенгайтирилди.

Мамлакатда ишлаб чиқарилган ёки импорт қилинган ҳамда саноат корхоналарига ўрнатилган машиналар, агрегатлар ва установкаларнинг юксак техника даражаси 1950—1959 йилларда саноат ишлаб чиқаришини уч баравардан зиёдроқ, меҳнат унумдорлигини эса икки баравар оширишга ёрдам берди.

Халқ хўжалиги тармоқларига янги техниканинг жорий қилиниши хомашё, материаллар ва ёқилғидан яхшироқ фойдаланиш имконини туғдирди.

Қарорда Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети ҳузурида янги техника масалалари комитетини ташкил этиш кўзда тутилади.

Қарорда мамлакатда ишлаб чиқариладиган ва Руминия Халқ Республикасига импорт қилинадиган буюмлар намуналарини танлаш, технология интизомига риоя қилиш, маҳсулотлар сифатини яхшилаш, янги цехлар ва фабрикаларда техника даражасининг юксак бўлишини таъминлаш, корхоналарни профиллаштириш ва ихтисослаштириш, уларни кооперативлаштириш, механизация ва автоматизацияни кенг ёйиш, илмий-техника тадқиқотлари натижаларидан яхшироқ фойдаланиш, техника ҳужжатларини яхшилаш, янги техникани жорий қилишга рағбатлантириш юзасидан тадбирлар кўзда тутилади.

## Республика эълон қилиниши муносабати билан Ганада тантаналар

АККРА, 3 июль. (ТАСС). Гана республика деб эълон қилиниши муносабати билан тантана қилмоқда. Пойтахт Аккра ранг-баранг қизил-яшил-сариғ миллий байроқлар билан безатилган. Шаҳарда одатдан ташқари жонланиш ҳукм сурмоқда, кўчаларда байрамдагидек кийинган халқ жуда кўп. Ҳамма жойда қувноқ чеҳралар кўзга ташланади, шодиёна овозлар эшитилади, миллий куйлар, барабанларнинг овози янграйди.

Кейинги кунларда чет эл ҳукумат делегациялари, меҳмонлар, мухбирлар тушган самолётлар пойтахт аэродромига кечаю-кундузи келиб турибди. 28 июнда махсус «ИЛ-18» самолётида СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе бошчилигидаги совет ҳукумат делегацияси Ганага келди. Делегацияни аэродромда транспорт ва алоқа министри ҳамда давлат маросимлари министри Кробо Эдусей, бош министр канцеляриси ва Гана ташқи ишлар министрлигининг расмий вакиллари, шунингдек, СССРнинг Ганадаги элчиси М. Д. Ситенко ва Гананинг СССРдаги элчиси Жон Бэнкс Эллиот кутиб олдилар.

Совет ҳукумат делегацияси Аккрага келган куннинг эртасига биринчилар қаторида Гана бош министри Кваме Нкрума томонидан қабул қилинди. Кваме Нкрума 1 июлда расмий тарзда Гана республикасининг президенти вазифасини бажаришга киришган эди. Қабул маросими самимий ва дўстона вазиятда ўтди. Ўртоқ Георгадзе Кваме Нкрумага СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевнинг шахсий мактубини ва СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг табрик телеграммасини топширди. Совет делегацияси СССР ҳукумати Гана халқига хайрихоҳлик белгиси юзасидан Гана ҳукуматига вертолет совға этишга қарор берганини совет ҳукуматининг топшириғига биноан хабар қилди. Кваме Нкрума қизғин табриклар ва яхши ниятлар юборганликлари учун, шунингдек совет ҳукуматининг совғаси учун Н. С. Хрушчев ва Л. И. Брежневга чуқур миннатдорчилик билдирди ва ўз навбатида совет халқига, СССР ҳукуматига ҳамда шахсан Н. С. Хрушчевга ўз миннатдорчилигини ва энг яхши истакларини топширишни сўради.

Ганага 50 дан кўпроқ мамлакатдан ҳукумат делегациялари келди.

30 июнь кечқурун Англия генерал-губернатори Ганадан жўнаб кетди. Миллий-озодлик ҳаракатининг тазйиқи остида мустамлакачилик чекинмоқда. 1 июлда Гана Республикага айланди. Мажлис халқ партиясига умрбод раис деб ва унинг Марказий Комитетига бош секретарь деб эълон қилинган доктор Кваме Нкрума эрталаб соат 7 дан 30 минут ўтганда Гана Республикасининг биринчи президенти вазифасини бажара бошлади. Шундан кейин президент министрлар кабинетини тайинлади.

Кабинет Мажлис халқ партияси аъзоларидан ташкил этилди. Ганада республика эълон қилинишининг расмий байрами 4 июлгача, норасмий байрамлар эса 9 июлгача давом этади.

**Кончилар шаҳри — Олмалиқ йил сайин гўзал ва кўркам бўлиб бораётир. Суратда: янги қурилган қўпқаватли турар-жой бинолари.**

**А. Заблоцкий** фотоси.

## ТОШГА ЧИЗИЛГАН РАСМ

Яқинда Олимлар ўйи аъзоларидан иборат бир группа туристлар Тошкент атрофидаги тоғлиқ районларга саёҳатга чиқдилар. Сафардан мақсад — Бўстонлиқ районидаги Хўжакент тоғлари билан танишиш эди. Ў ерларда ибтидоий одамларнинг кўплаб излари бекилиб қолган. Экскурсияга СССР Фанлар Академияси тарих ва археология институтининг илмий ходими Г. Парфенов раҳбарлик қилди.

Кўксувнинг Чоғқол бассейнига қуйиладиган ериқдаги сойда тош аср кишиларининг кўплаб қуроллари сақланади. Туристлар шу ерлардан ўтаётган вақтда, учта катта харсанг тошда отлар тасвирини кўриб қолдилар.

Бундай расмларнинг биринчи марта учраши. Ов картинаси кийик, буқа ва бошқа ҳайвонларнинг тасвирлари Хўжакентда учраб туради. Аммо Бурчмулладаги қадимий рассомлар ижоди маълум эмас эди. Фақат чўққи бош кийим кийган бир жангчи тасвиригина археологларга маълум эди. У жангчининг расми ҳам археолог Г. Парфеновнинг фикрича эрамиздан олдинги 6—7-асрларга тааллуқлидир. Ёй расмни скиф қабилалари қолдириб кетган бўлса керак деб тахмин қилинади. Шундай расмлар Қирғизистонда. Ўш яқинида. Иссиқкўл пастлигида бор.

Харсангтошдаги отларга келганда эса шуни айтиш керакки, бу тасвирлар Хўжакентдагиларига ўхшайди ва тош асрининг илк даврига оиддир.

Н. СИРОВА.

## *Меҳнат отпуски ҳузурли ўтмоқда*

Ўтган йили Чиноз районидаги 4-«Вперед» наслчилик совхозининг 50 га яқин ишчи ва хизматчиси меҳнат отпускаларини республикамиздаги дам олиш уйлари ва санаторийларда ўтказган эди. Бу йил ҳам совхознинг 100 га яқин ишчиси дам олиш уйларида мириқиб ҳордиқ чиқаради. Сут соғувчи З. Диллмуҳамедова, молбоқар М. Богдалов, ем-хашак бригадасининг бошлиғи Я. Ҳошимовлар район дам олиш уйида ҳордиқ чиқармоқдалар.

М. ПЕЙСЕНОВ.

## КИНО ХОДИМЛАРИ ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Яқинда Тошкент тўқимачилик комбинатининг маданият саройида «Ўзбекфильм» киностудиясининг бир группа ходимлари билан ишчилар учрашуви бўлиб ўтди. Кинооператорлардан Зоҳидов, Саидов, Турсунов, Гибалевич ва кинорежиссёр Шабанов ўртоқлар тўқимачилар ҳузурига келишди.

Учрашувда И. Х. Гибалевич ва Г. А. Шабанов ўртоқлар фильм яратишда оператор ва режиссёрнинг вазифалари ҳақида сўзлаб беришди. Йигирмаларга «Ўзбекфильм» киностудиясининг ҳужжатли ва илмий оммабоп фильмлар яратиш соҳасидаги ишлари билан ганишдилар. Тошкент кинематографчиларининг планлари катта. Улар ҳар ойда 4 та ҳужжатли фильм яратишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганлар. Бордорчилик, ёнғинга қарши кураш ва газ саноатига оид ҳужжатли-хроникал фильмлар яратиш мўлжалланмоқда. Булардан ташқари бир неча чет давлатларнинг заказ билан «Таштекстильмаш» заводи ишчилари ва уларнинг меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи махсус фильм яратилади.

Учрашув кечаси тўқимачиларга «Совет Ўзбекистони», «Ҳаётга қайтиш», ва «Ўзбекистонимизга келинг» деган ҳужжатли фильмлар кўрсатилди.

Шундан сўнг комбинат комсомол комитетининг секретари М. Волнова, Слесарь Ильясов, комбинат ҳаваскорлик киностудиясининг ходими Хасанов ўртоқлар сўзга чиқиб бу фильмлар ҳақида ўз фикрларини айтдилар. Улар ишчилар билан кинематографчилар ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш истагини билдирдилар.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

## КАСАБА СОЮЗ СПОРТЧИЛАРИ СПАРТАКИАДАСИ

Пойтахтимизнинг спорт базаларида республика корхона, қурилиш, совхоз ва муассасалари физкультура коллективларининг ёзги спартакиадаси ўтмоқда. Спартакиада программасига спортнинг етти тури бўйича мусобақалар киритилган. Биринчи бўлиб баскетболчилар командалари курашни бошлаб бердилар.

Хотин-қиз баскетболчилар ўртасида Тошкент шаҳар командаси ўз рақибларини осонгина енгиб, спартакиада чемпиони бўлишга эришдилар. Волейболчилар мусобақаси ҳам пойтахт спортчиларининг муваффақияти билан тугади. Хотин-қизлар ўртасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг вакиллари биринчи бўлдилар. Олмалиқ Олтинтовган комбинатининг волейбол командаси иккинчи ўринни эгаллади. Эркаклар ўртасида Тошкент шаҳар спортчилари ғолиб чиқди. Пойтахт область командаси эса учинчи ўринни олди.

Чимкент шоссесида велосипедчилар мусобақалашди. Хотин-қизларнинг 20 километр масофадаги пойгасида пойтахт спортчилари Г. Медьведева ва Р. Агейкина иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишга муваффақ бўлдилар. Эркакларнинг 75 километрлик масофадаги пойгаси қизғин кураш вазиятида ўтди. Тошкентнинг «Меҳнат» коллективи бунда биринчиликни олди. 100 километрлик энг узоқ масофани ҳам тошкентликлар ҳаммадан тез босиб ўтишди. Қизларнинг 25 километрга бўлган велосипед пойгасида финишга А. Азизова биринчи бўлиб келди.

Спартакиада 13 июлгача давом этади.

Э. РАҲИМОВ.

## *РАДИОГАЗЕТА*

**Янгиер радиосининг эшиттиришлар программаси тематик жиҳатдан бойиб бормоқда. «Радиогазета» ҳам ана шундай тематик эшиттиришлардан ойри ҳисобланади. Ҳар куни радиогазетанинг янги сонлари эшиттириб турилади. Ҳозир радиогазетанинг рейд бригадаси ҳам бор. Рейд бригада томонидан ташкил этилаётган эшиттиришлар радио тингловчиларга маъзур бўлмоқда. Айниқса, Х. Тўраева, А. Кошелев сингари новатор механизаторлар даласидаги ғўза парваришининг бориши, — «Фарҳод» совхози трактор-далачилик бригадасининг намунали иши ҳақида ўтказган суҳбатлари жуда қизиқиб тингланди.**

Т. ОРИПОВ.

## 200 та илмий муассасадан...

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг асосий кутубхонаси 34 мамлакат билан маданий алоқа боғлаган. Кутубхонага 200 та илмий муассасадан деярлик ҳар куни ҳар хил китоблар келиб туради. Дунёга машҳур бўлган Британия музейи, Конгресс кутубхонаси (Вашингтон), Париж университети кутубхонаси, Нью-Йоркдаги асосий кутубхона ва бошқа муассасалар шулар жумласидандир.

Сўнгги икки йил ичида кутубхонанинг халқаро алоқалари айниқса мустаҳкамланди. 1958 йилдан то шу кунга қадар кутубхона чет эл илмий муассасаларига 24 минг 413 нусха турли соҳаларга оид адабиётларни юборди. Чет эллардан бу ерга эса 8 минг нусхага яқин китоб келди.

Англиядаги Марказий Осиё илмий-текшириш маркази Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида нашр этиладиган ҳамма илмий журналларни олиб туради. Шу йил май ойидан бошлаб Оксфорд (Англия) университети билан китоб алмашиш йўлга қўйилди. Бу кутубхона яқинда катта комплектдаги илмий нашрларни Тошкентга юборди. Англиядан келган бир хатда унинг автори профессор А. К. Боровковнинг таҳрирк остида чиққан Ўзбекча-русча луғат китобини юборишни илтимос қилган.

Республика фанлар академиясининг тил ва адабиёт, Ўзбекистон тарихи соҳасидаги янги нашрларини Конгресс кутубхонаси, Британия музейи, Гайтни фанлар академияси (Германия). Гарвард (Америка) ва Оксфорд университетлари олиб турадилар. Ўзбек тили ва адабиёти ҳамда Ўзбекистон тарихига оид материаллар бу илмий муассасаларни жуда қизиқтиради. Республика Фанлар академияси босиб чиқарган 10 томлик «Пахта» монографияси илтимосга кўра Корея Халқ Демократик республикаси ва Хитойдаги бир қанча илмий тадқиқот институтларига юборилди.

Яқиндагина кутубхона Американдаги Иель обсерваторияси, Кентукки университети, Британия музейи, Ироқ Фанлар академияси, Ҳиндистондаги Жанму ва Кашмир санъат, маданият ва тил академиясидан бир қанча қимматли илмий адабиётларни олди.

Республика Фанлар академияси номига чет эл илмий ва маданий муассасаларидан жуда кўп саммий тилаклар ва дўстона хис-туйғуларга тўла хатлар келиб туради. Хатларнинг бирида қуйидаги сатрлар ёзилган:

«1959 йилда бизга жуда кўп илмий адабиётлар юбордингиз. Финляндия илмий жамияти ҳам сизга 1960 йилдан бошлаб муттасил равишда ўзининг ҳамма нашрларини юбориб туради».

Республикамиз Фанлар академияси асосий кутубхонаси билан чет эл илмий ва маданий муассасалари ўртасидаги бу самарали ҳамкорлик дунё халқлари ўртасида дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Ҳ. МУҲАММАДСОДИҚОВА.

Редактор ўринбосари М. ҚОРИЕВ.

САВОЛЛАРГА ЖАВОБ

## СОМАЛИ—МУСТАҚИЛ ДАВЛАТ

**Газетхонлардан А. Эгамназаров (Оржоникидзе райони), У. Муҳамедов (Янги йўл райони) Африкадаги янги мустақил давлат — Сомали ҳақида маълумот беришни сўраганлар. Биз қуйида шу ўртоқларга жавоб қайтардик.**

1960 йил 1 июлда Африкадаги мустақил давлатлар оиласига илгари мустамлака бўлган Сомали қўшилди. Сомали Африка континентининг шарқий қисмига жойлашган. Унинг майдони 400 минг квадрат километрдан ортиқ бўлиб, ўзининг ҳажми жиҳатидан Европадаги давлатлар — Италия ёки Швеция территориясидан каттадир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Африка мустамлакачилар томонидан босиб олингандан кейин Сомали ерлари Италия, Англия ва Франция ўртасида бўлиниб олинади. 1941 йилгача Сомали ерлари география карталарида Италия, Франция ва Англия (Британия) Сомалиси деб аталиб келди. Италиянинг иккинчи жаҳон урушида мағлубиятга учраши натижасида Италия Сомалиси Англия қўшинлари томонидан босиб олинади, 1950 йилнинг иккинчи декабрида эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ у 1960 йилда Сомалига мустақиллик берилиши шарти билан Италия ихтиёрига берилади. Шарқий Африкада мустамлакачиларнинг узоқ давом этган ҳукмронлиги Сомали аҳолиси учун айниқса оғир ва машаққатли бўлди. Чунки чет эллик босқинчилар бу ерда ирқий дискриминация ўтказдилар, халқни аёвсиз эздилар ва қувғин қилдилар. Фашистлар Италиясининг Африка Италия министрлиги «Мустамлакалардаги ерли халқлар қўлларида белкурак ушлаш учун ёки мустамлакачилик қўшинларида солдат бўлиб хизмат қилиш учун етарли бўлган билимларни эгаллаши керак» деб ҳисоблар эди. Фашист ҳукмронлари Сомали аҳолиси ўртасида илм олишнинг тарқалиши мустамлакачиларнинг позицияларини бўшаштириб юборишидан қўрқиб, сомаликларга ўқишни бошлангич мактабнинг 3-синфидан кейин давом эттириши ман этган эдилар. 1948 йили Италия Сомалисидаги аҳолининг 99 процентдан кўпи саводсиз эди.

Мустамлакачи ҳукмронларнинг хўжайинлик қилиши мамлакатнинг экономикаси ва унинг аҳолисини қашшоқлаштирди. Ернинг энг яхши қисми Италия мустамлакачилари томонидан босиб олинади, шу билан бир вақтда эса Сомали қабилалари ярим чўл ва деҳқончилик билан шуғулланиб бўлмайдиган дроқсиз жойларга сиқиб чиқариладилар. Мустамлакачилар 1.300 минг аҳолига эга бўлган ёш давлатга ирригация иншоотчилари ниҳоятда ёмон ривожланган қолоқ қишлоқ хўжалигини мерос қилиб қолдирдилар. 120 минг гектар суғориладиган ерлардан 75 минг гектари италияликлар қўлида эди. Сомалининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари — банан, канд тростник, манс, кунжут, арахис, пахта, цитрус ўсимликлари, табак ва сабзавотдан иборат. Сомали экономикасида чорвачилик муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки аҳолининг 40 проценти кўчманчи чорвадорлардан иборатдир. Банан — Сомали экономикасида салмоқли роль ўйнайди ва у экспорт қилинадиган маҳсулотлар ичида энг асосий бўлиб ҳисобланади. Банан хўжалиги билан асосан италиялик деҳқонлар шуғулланадилар.

Мустамлакачилар Сомалидан метрополиянинг аграр манбаи сифатида фойдаланиб келдилар. Саноат жуда ҳам суст ривожланган. Сомалида фойдали қазилмалардан қўрғошин, легнит, поташ топилган. Сомалида нефть борлиги тахмин қилиниб, ҳозирнинг ўзида мамлакатнинг шимоли қисмида бир қанча чет эл компаниялари, шу жумладан учта Америка компанияси разведка ишларини олиб бормоқдалар.

Сомалининг иқтисоди ҳаётида Италия капитали етакчи ролни эгаллаб келмоқда. Англияликлар бу соҳада италияликлардан кейин туради. Араблар, хусусан Яман ва Хадрамаут (Жанубий Арабистондан) араблари асосан савдо ва ҳунармандчилик билан шуғулланадилар. Сомалиликлар зиммасига кустарчилик, чаҳана савдо, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиш тушган. Италиялик ишлаб чиқарувчилар Сомали экономикасида қўмондонлик позициясини сақлаб қолиш учун ҳаракат қиладилар ва улар ўзларининг бу фаолиятларида «Сизларга (яъни сомалиликларга — **А. С.**) сиёсий озодлик, бизларга, европаликларга эса бутун иқтисодий озодлик» деган формулага амал қилмоқдалар. Бундай ҳол табиийки, сомали халқини мутлақо қаноатлантира олмайди. Сомали халқи мустамлакачилар Сомалида ўзларининг иқтисодий позицияларини сақлаб қолишлари Сомалининг мустақиллигини хавф остида қолдиришини тушунадилар.

Мустамлакачилар Сомалидаги ўз позицияларини мустаҳкамлашга интилиб, мамлакатда кўпдан бери қабилавий ва миллий низоларни туғдириб келдилар ва унинг кўпгина қисмини ўз қўлларида эгаллаб олган қабила бошлиқларининг ёрдамига суянишга ҳаракат қилдилар. Африка халқларига эркинлик берилгандан кейин ҳам Африка халқини мустамлакачилик зулми остида қолдиришни ўйлаётган ғарб доиралари ҳозирги кунда ҳам ана шу тактикага амал қилмоқдалар. Бу эса, табиий равишда, ўз уйида тўла ҳуқуқли хўжайин бўлиб олишга интилаётган Сомали аҳолисини ташвишга солмоқда ва унинг ўртасида норозилик туғдирмоқда. Италия буржуазия газетаси мамлакатда ҳукм сураётган кайфиятни шарҳлаб «Сомалиликлар галаён кўтармоқдалар» ва ўзларининг ҳуқуқлари тўғрисида тобора кучлироқ гапирмоқдалар деб ёзади.

Миллий озодлик ҳаракатининг босими остида мустамлакачилар Сомалида мамлакат ичкарисида ўз-ўзини идора қилишни барпо этишга розилик беришга мажбур бўлган эдилар. 1955 йилнинг 7 майида Сомали ҳукумати барпо этилиб, унинг состави премьер-министр ва сомалилик 5 та министрдан ташкил топган эди. 1956 йилнинг февраль ойида эса 70 депутатдан ташкил топган биринчи Қонун чиқарувчи мажлис сайланади. 1959 йилнинг мартида Қонун чиқарувчи мажлисга янги сайловлар бўлиб ўтади. Бу сайловларда сомалини идора қилувчи партия — «Сомали ёшлари лигаси» иккинчи марта ғалаба қозонади.

Мамлакатга мустақиллик берилганлиги муносабати билан янги сайловлар ўтказиш Сомали Конституциясида кўзда тутилмайди. «Сомали ёшлари лигаси» партиясининг бошлиғи Абдуллахи Исса бошчилик қилаётган ҳозирги ҳукумат мамлакатга мустақиллик берилгандан кейин ҳам ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Италия Сомалисида юз берган воқеаларнинг таъсири остида у билан қўшни бўлган Британия Сомалисида ҳам миллий озодлик ҳаракати кучайиб кетди. Англия ҳукумати Британия Сомалисига 1960 йил 26 июнда мустақиллик бериш тўғрисида ўз қарорини эълон этишга мажбур бўлган эди. Британия Сомалиси Италия қўл остида бўлган Сомали билан бирлашишни кўзда тутмоқда. 1960 йилнинг 1 июлида ниҳоят Сомали халқи учун эркин яшаш ва озодлик йўли очилди. Бунинг учун Сомали халқининг асл фарзандлари доимо курашиб келдилар.

А. СТУПАК.

## ТОШКЕНТНИНГ тамоша заларида

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/VII да **Севилья сартароши**, 7/VII да **Масхарабозлар** ва **концерт бўлими**.

**Қишки фантазия** — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 ва 10-20 минутда), «МИР» (кундуз 2 да), «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9-20 минут ва 11 да).

**Юборилмаган хат** — «ВАТАН» (эрталаб соат 10-20 минут ва кундуз 12 да). «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб 10, кундуз 12, кеч 6 ва 8 да). «ВАТАН» (ёзги, кеч 9-10 минут ва 10-50 минутда), КАФАНОВ номли (кеч 9-20 минутда), ТЕЛЬМАН номли (кеч 9 да).

**Акуланинг тиши** — «МИР» (кундуз ва кечқурун), СТЕПАН РАЗИН номли (кеч 9-20 минутда), ПУШКИН номли (кеч 9-10 минут ва 10-50 минутда).

**Ўғлим уйланади** — «ВАТАН» (кундуз соат 2, 4, кеч 6 ва 7 яримда), НАВОИЙ номли (ёзги, кеч 9-20 минутда).

**Суд қолдирилади** — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз соат 2, 4 ва кеч 10 да).

**Катта дарёлик икки киши** — «СПУТНИК» (кундуз соат 1, 3, 5 ва кеч 7 да).

**Шафқатсизлик** (ўзбек тилида кеч соат 9-10 минутда), **Ё ҳаёт, ё ўлим** (кеч 10-40 минутда) — «ОКТЯБРЬ».

**Салом, доктор!** «УДАРНИК» (кеч соат 9-15 минут ва 11 да).

**Севги ва кўз ёши** — ТЕЛЬМАН номли (кеч соат 10-50 минутда).

Тахтапул кўчаси, 4-тупик, 7-уйда турувчи **Азиз Аъзамовнинг** Ҳамза кўчаси, 15-тупик, 59-уйда турувчи Дилбар Ҳикматуллаевна Раҳматуллаевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.


**«ЎЗТРАНССПЕЦСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МЕХАНИЗАЦИЯ БАЗАСИГА**

**4—7-разрядли газоэлектросваркачилар, токарлар, фрезерчилар, экскаватор машинистлари, скреперчилар, бульдозерчилар**

КЕРАК

Адрес: Тошкент шаҳар, Жоми кўчаси, 20-уй (10-автобус билан МПС заводи томон охиригача борилади).

**«ЎЗГЛАВСЕЛЬСТРОЙ» ЕҒОЧСОЗЛИК КОМБИНАТИГА**

**дурадгорлар, станокчилар, слесарлар, электромонтёрлар, кочегарлар, ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Мало-Бешагаческая кўчаси, 313-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин (25-автобуснинг «Транспорт института» остановкаси).

2-НОН ЗАВОДИГА

**бош бухгалтер**

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Комсомол кўчаси, Фарҳод проезд, 57-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон — 43-885.

**ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТОР ИНҲУВ ЗАВОДИГА**

**токарлар ва шлифовкачилар**

керак

Тошкент шаҳар, Уста Ширин кўчаси, 117-уйда кадрлар бўлимига эрталаб соат 9 дан кундуз соат 3 гача учрашилсин. Телефон —40-811.



**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»** («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140 Пропаганда бўлими — 34808, 136 Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими—29040, 50. Секретариат—34808, 115 Эълонлар бўлиши—28142.

Р. 10003.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Нашр. А. 1832.